



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 10 март, № 51 (7553)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯНИНГ «РЕНЕССАНС ХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 март куни Туркиянинг етакчи инжиниринг ва курилиш компанияси — «Ренессанс Холдинг» президенти Эрман Илихак бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ушбу учрашув ўтган ой Анкарада ўтказилган олий даражадаги Ўзбекистон — Туркия музокараларининг мантиқий давоми бўлди. Бугунги кунда «Ренессанс Холдинг» компанияси мамлакатимизда умумий қиймати 2 миллиард доллардан зиёд бўлган йirik инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Хусусан, Тошкент вилоятининг етакчи металлургия корхоналари негизда замонавий объектлар — лойиҳавий қуввати йилга 60 миллион тонна бўлган мис бойитиш фабрикаси ва қуввати 1 миллион тоннагача бўлган металл прокати ишлаб чиқариш мажмуасини барпо этиш лойиҳалари тайёрланмоқда.

Учрашувда ушбу лойиҳалар доирасидаги амалий ишларни жадаллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Туркия компаниясининг дастлабки босқичда Тошкент шаҳрида, кейинги босқичларда Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида илғор халқаро тажриба ҳамда технологияларни жалб қилган ҳолда кўп тармоқли шифохоналар ташкил этиш борасидаги лойиҳавий тақдирларни тақдироти ўтказилди.

Мазкур лойиҳалар давлат-хусусий шериклиги асосида амалга оширилади, шунингдек, туркиялик ҳамкорлар шифохоналарни бошқариш ва юқори малакали тиббиёт мутахассисларини тайёрлашда иштирок этади.

Бундан ташқари, муҳим ижтимоий объектларни реконструкция қилишда, инжиниринг, лойиҳалаштириш ва курилиш соҳаларида ҳамкорлик имкониятлари кўриб чиқилди.

Ў.А.

РОССИЯ ВА ОЗАРБАЙЖОН БИЛАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 март куни Россия Федерацияси ва Озарбайжон Республикаси билан икки томонлама инвестициявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Кейинги йилларда ушбу мамлакатлар билан ўзаро савдо ва инвестиция кўрсаткичлари муттасил ортиб бораётгани қайд этилди. Хусусан, 2019 йил якунларига кўра Россия билан товар айирбошлаш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 17 фоиз ортиб, 6,6 миллиард долларни ташкил этди, Озарбайжон билан икки томонлама савдо ҳажми эса 55,7 фоиз ошди.

Инвестициявий ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Ўтган йили Ўзбекистонда Россия сармояси иштирокида 484 та янги корхона ташкил этилиб, уларнинг сони умумий ҳисобда 1 828 тага етди. Бугунги кунда мамлакатимизда Озарбайжон капитали иштирокида ташкил этилган 178 та корхона фаолият юритмоқда.

Йиғилишда ушбу мамлакатлар билан кўшма лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш ҳамда инвестиция, савдо ва транспорт-логистика соҳаларидаги икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича янги тақдирлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Россия Федерацияси билан бўлажак икки томонлама тадбирлар муҳокама қилинди. Хусусан, россиялик шериклар билан 3,5 мингта иш ўрни яратиш имконини берадиган қиймати 7,3 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Озарбайжонлик ҳамкорлар билан саноат кооперациясини йўлга қўйиш доирасида умумий қиймати 355 миллион доллардан зиёд лойиҳалар ишлаб чиқилаётгани таъкидланди. Жумладан, енгил автомобиль ва автобуслар йиғилиши йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Нефть-газ соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик кенгаймоқда.

Ушбу тадбирларни мазмунан бойитиш зарурлиги алоҳида қайд этилди, ишни самарали ташкил қилиш бўйича устувор вазифалар белгиланди.

Жорий ойда Озарбайжон ва Россия билан қатор икки томонлама тадбирлар режалаштирилган. Хусусан, 16-17 март кунлари Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро кўшма комиссия йиғилиши, март ойининг учинчи ўн кунлигида эса Россия Федерацияси билан шундай тадбир ўтказиш мўлжалланган.

Президент Шавкат Мирзиёев Россия ва Озарбайжоннинг етакчи компания ва ташкилотлари билан савдо ва инвестициявий ҳамкорликни фаоллаштириш, шерикликнинг янги йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берди.

Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, саноат, шу жумладан, агросаноат, транспорт ва логистика, таълим ва инновациялар Россия билан ҳамкорликнинг янги устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Озарбайжон билан аграр саноат, узумчилик ва виночилик, заргарлик, нефть ва газ, транспорт ва логистика, таълим соҳаларида кўшма янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш топширилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан алоқадор вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди, вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар белгиланди.

Ў.А.

БИЗ ва ЖАҲОН

АҚШлик экспертлар: Афғон можаросини тартибга солиш жараёнида Ўзбекистон ҳамisha муҳим иштирокчи бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади

Мамлакатимизнинг АҚШдаги дипломатик миссияси хабарига кўра, яқинда Вашингтондаги элчихонамизда Халқаро стратегик тадқиқотлар уюшмаси, Атлантика кенгашининг Евросиёё маркази ҳамда АҚШ Миллий мудофаа университети Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё стратегик тадқиқотлар маркази вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда экспертлар АҚШ ва «Толибон» ҳаракати ўртасида имзоланган тинчлик битими ҳамда Ўзбекистоннинг Афғонистондаги қарама-қаршиликни сиёсий-дипломатик йўл билан ҳал этишга қўшган ҳиссаси борасидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Грегори КУПЛИ, Халқаро стратегик тадқиқотлар уюшмаси президенти:

— Афғонистонда тинчликни таъминлашга қаратилган ушбу келишув Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақаси учун ўта муҳим ҳисобланади.

Биз Ўзбекистон Марказий Осиёда осойишталик ва Афғонистон Ислом Республикасининг унга интеграциясини таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнаётганига гувоҳ бўлиб туришимиз. Мозори-Шариф — Ҳирот ва Мозори-Шариф — Пешавор темир йўл транспорт йўлакларини лойиҳаларини амалга ошириш орқали Афғонистонда транспорт тармоқларини кенгайтириш шулар жумласидандир.

Тинчлик битими минтақа мамлакатлари ва Афғонистон ўртасидаги савдо иттифоқини сезиларли равишда мустаҳкамлашга имкон беради. Бугун Ўзбекистон АҚШ, Афғонистон, Покистон, Марказий Осиё давлатлари ҳукуматлари билан ҳамкорликда Афғонистон ҳудуди орқали минтақанинг транспорт-логистика тармоқларини ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилиши муҳимдир. Бундай боғланиш афғон халқининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Айни чоғда битим бузилишига олиб келувчи хатарлар ҳам йўқ эмас. «Толибон» ҳаракати назоратидан ташқаридаги омиллар, ол-



динда кўриб бўлмайдиган вазиятлар мавжуд. Аммо дунё ҳамжамияти учун энг асосий муҳда ҳисоби, энди биз афғон иқтисодиётини тиклаш ҳақида ўйлашимиз керак. Кўп нарса «Толибон» ҳаракатининг ҳукумат билан биргаликда мамлакат тақдирига дахлдор қарорларни қабул қилиш жараёнида иштирок этишга тайёр эканлигига боғлиқ. Агар бу рўй берса, нафақат Афғонистон фуқаролари, балки бутун Марказий Осиё минтақаси фойдасига хизмат қилади. Умуман олганда, биз биринчи марта Марказий Осиё яна глобал савдо, иқтисодий ва сиёсий майдонга айланаётгани, ўз тараққиёт йўлини мустақил белгилаш учун етарли даражада кучли бўлиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Ў.А.

4

Ҳаётимизнинг файзу фариштаси бўлган мунис оналаримиз, меҳрибон опа-сингилларимизга муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиб бериш, уларни рози қилиш — барча даражадаги раҳбарларнинг нафақат хизмат вазифаси, балки, энг аввало, инсоний бурчидир.

Биз ҳаммамиз — Президент, Ҳукумат раҳбарлари, вазирлар ва ҳокимлар, депутат ва сенаторлар — барча-барча етакчилар ана шундай юксак бурчни аниқ натижалар, амалий ишлар билан оқлашимиз зарур.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

ОНАЛАР ДУОСИДАН ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО, ИШИМИЗДА УНУМ, ҲАЁТИМИЗДА БАРАКА БОР

Президентимизнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи, шунингдек, жорий йил 6 мартдаги Фармонига кўра, бир гуруҳ хотин-қизларнинг фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотланиши нозик хилқат вакилаларининг кўнглини тоғдек кўтарди, уларни халқ манфаати, Ватанимиз тараққиёти йўлида янада фаол меҳнат қилишга ундади. Буни уларнинг қуйидаги дил сўзларидан ҳам билиш мумкин.

Дил сўзи

Сибинисо БОЙМАТОВА, Шароф Рашидов туманидаги «Мусурмон ота» фермер хўжалиги раҳбари, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳибаси:

— Президентимиз томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини янги босқичга олиб чиқиш, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, соҳага инновацион технологияларни, рақамли иқтисодиётни олиб кириш, ишлаб чиқаришни модернизациялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда соҳада кластерлар ҳам ташкил этилмоқдаки, энди далада меҳнат қилган ҳар бир инсон ҳаракатига қараб фойда олади, оиласини тебратлади. Шу боис фарзандларимиз, қариндошларимиз билан бирга далада тер туқамиз. Меҳнатларимизга яраша даромад оляимиз. Қолаверса, давлатимизнинг эътибори, ғамхўрлигини кўриб, ҳис этиб турибмиз. Юртбошимиз Фармонига кўра, «Фидокорона хизматлари учун» ордени

билан тақдирланганим кутилмаган кувончли воқеа бўлди. Бу бутун жамоамизнинг ютуғи, десам, адашмайман. Мазкур мукофот бизга янги куч, ғайрат, шижоат бағишлайди. Бугун шундай ният қилдикки, жорий йилнинг ўзига яна ўнлаб янги иш ўринлари очамиз. Ёшларни иш билан таъминлаймиз.

Насиба ҚАМБАРОВА, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг фахрий диктори, «Дўстлик» ордени соҳибаси:

— Президентимиз назаридан ҳеч нарса четда қолмайди. Ҳар бир соҳа ривож учун бирдай жон куйдиради. Жумладан, жамиятда гендер тенглик масалалари, хотин-қизларнинг ўз ўрнини топиши, бахтли ҳаёт кечирishi доимий эътиборда. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг Олтириқ туманидаги «Нурли обод» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси Лола Муротова билан телефон орқали мулоқотда бўлиб, кутлуг байрам билан қизгин табриклаганим сўзимиз исботидир. Президентимиз Лола Муротовага мустаҳкам сихат-саломатлик ва бардамлик, ҳамisha яқинлари эъзозу ардоғида

бўлиб юришни тилади. Ахир аёл кишига ширин сўздан ортиқ катта совға борми?

Давлатимиз раҳбарининг бу меҳрини, эътиборини Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқини тинглаб, яна бир чучур хис қилдик.

Байрам арафасида давлатимизнинг юксак мукофоти — «Дўстлик» орденига муносиб кўрилдим. Бу юксак эътирофдан бошим кўкка етди.

Рихсиҳон ИБРАГИМОВА, Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси, Ўзбекистон халқ артисти, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳибаси:

— Юртбошимизнинг меҳр-эътибори Ўзбекистоннинг бутун хотин-қизлари қалбини баҳор гуллари каби яшнатиб юборди, десам, муболага бўлмас. Президентимизнинг байрам тантанасида аёлларга ўз қўллари билан унвон, орден ва медалларни топширагани, улар билан самимий суҳбат қилгани, қолаверса, хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига кўтараётгани бизни янада руҳлантиради.

Бугунги кунда қабул қилинаётган ҳар бир Фармон, қарор ва фармойиш хамирида халқимизнинг фаровон ҳамда бахтли ҳаёт кечирishини таъминлашдек улуг мақсад муҳассас. Ҳаммамиз бундан жуда мамнунимиз.

3

Давлат дастури — 2020: Камбағалликни қисқартириш

2020 йил 1 августга қадар қуйидагиларни назарда тутувчи Камбағалликни қисқартириш дастури лойиҳаси ишлаб чиқилад:

- камбағаллик тушунчасини, уни ҳудудий хусусиятларидан қилиб чиққан ҳолда аниқлаш методологияси ва мезонларини ишлаб чиқиш;
- тадбиркорлик субъектларига молиявий ресурслардан, шу жумладан, микромолиялаштириш хизматлари ва давлат харидларидан фойдаланишда кенг имкониятлар бериш учун шароит яратиш;
- оҳолда, айниқса, ёшлар ва аёлларда бизнес юритиш ва тадбиркорликнинг замонавий кўникмаларини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;
- банд бўлмаган аҳолини қайта тайёрлаш ва ишсиз фуқароларни талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш бўйича кенг қамровли дастурларни амалга ошириш;
- жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш имконини берувчи тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ПАХТАЧИЛИК СОҲАСИДА БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сон Фармони ижросини таъминлаш, жумладан, қишлоқ хўжалигида эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш, пахта ва галла етиштиришда давлат буортмасини бекор қилиш, ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар манфаатдорлигини ошириш, инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳисобига кўшимча иш ўринларини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» АЖ, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2020 йил ҳосилидан бошлаб пахта хомашёсини етиштиришда давлат буортмасини бекор қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Пахтачиликда бозор тамойиллари жорий этилиши муносабати билан пахта етиштирувчи фермер хўжалиқлари ва қайта ишловчи корхоналарнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2020 йил ҳосилидан бошлаб: пахта хомашёсининг харид нархини белгилаш амалиётидан воз кечилди; пахта хомашёсини етиштирувчилар (фермер хўжалиқлари, пахта-тўқимачилик кластерлари, кооперациялар)га районлаштирилган гўза навларини эркин жойлаштириш ҳуқуқи берилди;

пахта хомашёси етиштирувчиларни сифатли уруғлик билан таъминлаш мақсадида сертифициланган уруғлик етказиб бериш тизими (шу жумладан, уруғлик пахта учун амалдаги устама тўлаш тартиби) сақлаб қолинади ҳамда босқичма-босқич Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчилик ривожлантириш маркази таркибидagi уруғчилик кластерлари ҳамда пахта-тўқимачилик кластерлари зиммасига юклатилади;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ҒАЛЛА ЕТИШТИРИШ, ХАРИД ҚИЛИШ ВА СОТИШГА БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сон Фармони ижросини таъминлаш, хусусан, давлат буортмаси асосида бошоқли дон етиштириш амалиётини бекор қилиш, харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш ва манфаатдорлигини таъминлашга қаратилган қулай агробизнес муҳитини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» АҚ ва Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг фермер хўжалиқлари ва галлачилик кластерлари билан «Ўздонмаҳсулот» АҚ тизимидаги корхоналар ўртасида 2020 йил ҳосилидан давлат харидлари доирасида тузилган контракция шартномалари микдорини ҳар бир галла етиштирувчи учун 25 фоизга камайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) томонидан давлат харидлари доирасида 2 265 миң тонна бугдой (уруғлик дон учун амалдаги устама тўлаш тартибини сақлаб қолган ҳолда) ички бозорда дон нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун харид қилинсин.

(Давоми 2-бетда).

ИБН СИНО ҲИКМАТЛАРИ

- Бадантарбия билан машғул бўлинса, ҳеч қандай дори-дармонга зарурат қолмайди, бунинг учун муайян бир тартибга риоя қилмоқ ҳам шарт.
- Анорнинг уруғи асал билан бирга тиш огригига ва қулоқ огригига фойда қилади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ПАХТАЧИЛИК СОҲАСИДА БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

б) пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилмаган ҳудудларда пахта тозалаш корхоналари негизда фермер ҳўжаликларининг ихтиёрий **кооперациялари** ташкил этилади.

Куйдагилар **кооперациянинг асосий вазифалари** этиб белгилансин:

кооперация аъзолари билан шартномалар тузиш орқали пахта хомашёси етиштириш юзасидан келишилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

кооперация аъзолари томонидан пахта хомашёси етиштириш учун зарур бўлган мулк комплекслари, техника, ускуна, транспорт воситаларидан, пахта тозалаш заводларидан биргаликда фойдаланишни ташкил этиш;

кооперация ва уларнинг аъзолари ўртасида имзоланадиган шартнома асосида кооперация аъзоларини қишлоқ ҳўжалиги техникаси, ёнилғи-моилаш материаллари, минерал ўғит, уруғлик, шунингдек, қимёвий ва биологик ҳўмос воситалари билан таъминлаш;

пахта хомашёсини тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва тегиримон усулида қайта ишлашни шартномаларга асосан амалга ошириш ва воситачилик шартномалари асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишни ташкиллаштириш;

кооперация аъзоларига агротехника, бухгалтерлик, консалтинг, воситачилик ва бошқа хизматларни кўрсатиш;

кооперация билан ҳамкорлик қилиш учун экспорт қилувчиларни жалб этиш, ички ва ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотлари ўтказиш;

кооперация аъзолари томонидан ишлаб чиқариладиган пахта толаси ва иккиламчи маҳсулотларни биржада ёки биржада шакланган нархларда тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиш.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига мувофиқ ташкил этилган пахта-тўқимачилик кластерларига белгиланган имтиёзлар пахта хомашёсини етиштирувчи ва қайта ишловчи кооперациялар учун ҳам таътиб этилади;

в) республикада ишлаб чиқарилган пахта толаси учун биржада бошланғич нарх шаклланишида амалда қўлланилаётган **10** **фоиз** миқдоридаги чегирма бекор қилинади;

г) қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни ўз вақтида маҳаллий шарафтома со со сифатли уруғлик билан таъминлаш, тегишли тартибда ишлов берилганда уруғлик орқали касаллиқлар тарқалишининг олдини олиш, пахта хомашёси ҳосилдорлигини изчил ошириб бориш мақсадига 2020 йил ҳосили учун уруғлик чигит “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидаги уруғчилик цехлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан етказиб берилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжа-

ликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси билан биргаликда жаҳон бозори нархлари таҳлилидан келиб чиқиб, ҳар йили 1 декабрга қадар келгуси йил ҳосили учун қўллаётган минимал нархлар эълон қилинишини ҳамда бозорлардаги нархлар ўзгарилишини келиб чиқиб, ҳар чоракда ушбу нархга тузатишлар киритилишини таъминласин.

4. 2020 йил 15 мартдан бошлаб:

а) фермер ҳўжаликлари, пахта-тўқимачилик кластерлари, кооперациялар ва уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидagi элита уруғчилик ҳўжаликлари томонидан пахта хомашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш учун тижорат банкларини томонидан Қишлоқ ҳўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан 12 ой муддатгача етиштириладиган пахта хомашёси умумий қийматининг **50 фоизига** бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик **8 фоиз, 60 фоизгача** бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик **10 фоиз** ставкадан (шундан банк маржаси **2 фоиз**) ошмаган миқдорда кредитлар ажратилади.

Бунда: фермер ҳўжаликлари, пахта-тўқимачилик кластерлари, кооперациялар ва уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидagi уруғчилик ҳўжаликлари агротехник тадбирлардан келиб чиқиб, кредит маблағларидан эркин фойдаланади ҳамда моддий ресурслар етказиб берувчиларни ихтиёрий танлайди;

пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан фермер ҳўжалиklarининг пахта хомашёси етиштириш билан боғлиқ харажатларини бўнақлаш пул маблағлари шаклида амалга оширилади;

пахта хомашёси етиштириш харажатларини молиялаштиришга ажратилган кредит маблағларининг муддатига қайтарилмаган қисми тижорат кредити сифатида қайта расмийлаштирилади;

б) фермер ҳўжаликлари ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги корхоналари етиштирган пахта хомашёсини харид қилиш ва пахта йғим-терими харажатларини молиялаштириш учун пахта-тўқимачилик кластерлари ва кооперацияларга тижорат банклари томонидан 12 ой муддатгача тижорат кредитлари ажратилади.

Бунда: миллий валютотада ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасиндан ошадиган, лекин **10 фоиз** пунктдан кўп бўлмаган қисмин;

хорижий валютотада ажратиладиган кредитлар бўйича тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг **30 фоизгача**, лекин **3 фоиз** пунктдан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация берилади;

пахта хомашёсини харид қилиш ва пахта йғим-терими хара-

жатларини молиялаштириш учун ажратилган кредит маблағларининг муддатига қайтарилмаган қисмига Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация берилмайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Марказий банкининг асосий ставкаси ўзгарган ҳолларда Жамғармадан ажратилаётган кредитлар фоиз ставкаларига, банк маржасига ҳамда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан бериладиган компенсация миқдорига ўзгариштириш киритиш ҳуқуқи берилади;

в) пахта хомашёсини ўзи етиштирадиган ва қайта ишлайди-ган пахта-тўқимачилик кластерларига пахта хомашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш учун Жамғарма маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар 12 ойдан сўнг ҳар ойда тенг миқдорларда қайтариш шарти билан 12 ой муддатгача бўлган тижорат кредитларига қайта расмийлаштирилади;

г) 2021 йил ҳосилидан бошлаб пахта хомашёси етиштириш учун кредит олиш фермер ҳўжаликлари томонидан мустақил равишда аниқланади (ер майдони тўлиқ пахта-тўқимачилик кластерига берилган ҳудудлар бундан мустасно).

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: пахта хомашёси ва донни харид қилиш учун жалб этиладиган тижорат кредитлари фоизининг бир қисмини қоплаб бериш учун республика бюджетдан Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига, эҳтиёжга қараб, **700 миллиард сўмгача маблағ** ажратсин;

пахта хомашёси ва галлани сотиб олишни кредит ресурслари билан таъминлашда тижорат банклариди маблағларга эҳтиёж турилганда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадили жамғармалари маблағлари, бюджетни қўллаб-қувватлаш учун жалб қилинадиган халқаро молия институтлари ва хорижий ҳўкумат молия ташкилотларининг кредитлари, суверен ва корпоратив халқаро облигацияларни чиқариш ва қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тижорат банкларини зарур маблағлар билан таъминласин;

икки ой муддатда пахта хомашёси ва бошоқли дон экинларини бўлгуси ҳосилини суғурталаш механизмларини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

пахтачилик соҳасида кластер тизимини самарали ташкил этиш мақсадида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низоини;

пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилмаган республика ҳудудларида фермер ҳўжалиklarининг ихтиёрий равишда бирлашини асосида пахта тозалаш корхоналари негизида пахта хомашёсини етиштирувчи ва қайта ишловчи кооперациялар ташкил этишни назарда тутувчи қарорни қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ҒАЛЛА ЕТИШТИРИШ, ХАРИД ҚИЛИШ ВА СОТИШГА БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жорий йил 10 майга қадар жаҳон бозори ва минтақавий биржа нархлари ҳамда республикада қўллаётган ҳосилини инобатга олиб, дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун 2020 йилда харид қилинадиган галла нархларини белгиласин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) **2020 йил ҳосилидан бошлаб: давлат бюортмаси асосида бошоқли дон етиштириш амалиёти** босқичма-босқич **бекор қилинади**;

ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун давлат томонидан харид қилинадиган бугдой мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхоналарнинг дони сақлаш талабларига со келадиган омонлар (сигимлар)ни да шартнома асосида сақланади;

б) **2021 йил ҳосилидан бошлаб:**

давлат томонидан галлага **харид нархини белгилаш** амалиётидан тўлиқ воз кечилади;

давлат хариди тўлиқ бекор қилинади ҳамда фермерлар ва бошқа корхоналар томонидан етиштириладиган галла барча истеъмолчиларга, шу жумладан, донни қайта ишловчи корхоналар, галлачилик кластерлари ва трейдерларга биржа савдолари орқали ёки тўғридан-тўғри шартномалар (фьючерс, форвард ва бошқалар) асосида эркин нархларда сотилади;

ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун зарур миқдордаги дон Жамғарма томонидан фьючерс, форвард шартномалари асосида ёки биржа савдолари орқали эркин нархларда харид қилинади;

дон етиштирувчи ҳўжалиklarни сифатли уруғлик билан таъминлаш мақсадида сертификатланган уруғлик етказиб бериш тизими сақлаб қолинади ҳамда 2021 — 2023 йилларда уруғлик етказиб бериш босқичма-босқич Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридagi Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидagi уруғчилик кластерлари ва элита уруғчилик ҳўжаликлари, галлачилик кластерлари зиммасига юклатилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда жаҳон бозори, минтақавий биржалар нархларини таҳлил қилган ҳолда, ҳар йили 1 августга қадар келгуси йил галла ҳосили учун қўллаётган минимал нархларни эълон қилсин ҳамда бозорлардаги нархлардан келиб чиқиб, ҳар чоракда ушбу нархга тузатишлар киритиб, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилишини таъминласин.

4. Республика ички бозорига дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш Жамғарма зиммасига юклатилади.

Ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун Жамғарма томонидан харид қилинадиган дон Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Монополия қарши курашиш қўмитаси билан келишилган ҳолда, Бош вазирнинг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш ма-

салалари бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланадиган ойлик график асосида Жамғарма томонидан биржа савдоларида сотува қўйилади.

5. Дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш учун зарур миқдордаги бугдойни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар (сотиб олиш, ташши, сақлаш), харид қилиш ва сотиш нархлари ўртасида юзага келган тафовут (ижобий, салбий) Жамғарма молиявий фаолияти яқунларига олиб борилад ҳамда зарур ҳолатларда юзага келган салбий тафовут Жамғармага республика бюджетидан қоплаб берилади.

6. 2020 йил 1 июндан бошлаб:

а) фермер ҳўжаликлари, галлачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидagi элита уруғчилик ҳўжалиklarининг галла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан **12 ой муддатгача** галла ялғи ҳосили умумий қийматининг **40 фоизгача** бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик **10 фоиз, 50 фоизгача** бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик **12 фоиз** ставкадан (шундан банк маржаси **2 фоиз**) ошмаган миқдорда кредитлар ажратилади.

Бунда: фермер ҳўжаликлари, галлачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидagi элита уруғчилик ҳўжаликлари агротехник тадбирларни ўтказиш хусусиятларидан келиб чиқиб, кредит маблағларидан **эркин фойдаланади** ҳамда моддий ресурслар етказиб берувчиларни ихтиёрий танлайди;

галлачилик кластерлари томонидан фермер ҳўжалиklarининг галла етиштириш билан боғлиқ харажатларини бўнақлаш пул маблағлари шаклида амалга оширилади;

галла етиштириш харажатларини молиялаштиришга ажратилган кредит маблағларининг муддатига қайтарилмаган қисми тижорат кредити сифатида қайта расмийлаштирилади;

б) мулкчилик шаклидан қатъи назар, фақат донни қайта ишловчи корхоналар ҳамда донни қайта ишлаш қувватига эга бўлган галлачилик кластерлари томонидан республикада етиштирилган галлани харид қилиш учун тижорат банклари томонидан **12 ой муддатгача 50 миллиард сўмгача** миқдорда тижорат кредитлари ажратилади.

Бунда: миллий валютотада ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасиндан ошадиган, лекин **10 фоиз** пунктдан кўп бўлмаган қисминга;

хорижий валютотада ажратиладиган кредитлар бўйича тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг **30 фоизгача**, лекин **3 фоиз** пунктдан кўп бўлмаган миқдорда фоиз харажатларини қоплаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация берилади;

галлани харид қилиш учун ажратилган кредит маблағларининг муддатига қайтарилмаган қисмига Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Марказий банкининг асосий ставкаси ўзгарган ҳолларда Жамғармадан ажратилаётган кредитлар фоиз ставкаларига, банк маржасига ҳамда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғарма-

си ҳисобидан бериладиган компенсация миқдорига ўзгариштириш киритиш ҳуқуқи берилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Ўздонмахсулот” АК ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда дон сақлаш сигимларига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини жалб этган ҳолда, 2020 йил ҳосилидан бошлаб етиштириладиган бошоқли донни қабул қилиш ва сақлаш бўйича хизмат тарифларини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, “Ўздонмахсулот” АК, Жамғарма, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда 2020 йилда, 1 апрелга қадар келгуси йилларда ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун сотиб олиннадиган галланинг ҳудудлар кесимидagi тақсимотини ва ушбу галлани сақлашга талабгор корхоналарнинг ҳудудлар кесимидаги рўйхатини шакллантирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси дон сақланаётган корхоналарда унинг сифати ва миқдори бўйича тўғри сақланиши юзасидан ойлик назорат ўрнатилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридagi Кичик бизнес ва тадбиркорлиқни ривожлантириш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари билан биргаликда галлачилик кластерлари ва донни қайта ишловчи корхоналарга республикада етиштирилган донни харид қилиш учун мазкур қарорда белгиланган кредит ажратиш механизми бўйича ўқув семинарларини ташкил этсин ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 1 майга қадар:

дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун харид қилинадиган галла ҳажмини ҳудудлар кесимида аниқлаш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳамда галлани сақлаш тартибларини тасдиқласин;

“Ўздонмахсулот” АК тизимига кирувчи дон корхоналарини 2020-2021 йилларда белгиланган тартибда босқичма-босқич хусусий секторга сотиш чора-тадбирларини белгиласин.

12. Қўйидагилар:

Галла етиштиришга давлат бюортмаси босқичма-босқич бекор қилиниши ҳамда соҳага бозор тамойиллари кенг жорий этилишини ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ.

Галла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этишни мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқласин.

13. Республика кенгашига (А. Арипов) қўйидаги вазифалар юклатилсин:

галла етиштиришга давлат бюортмаси босқичма-босқич бекор қилиниши ҳамда соҳага бозор тамойиллари кенг жорий этилишини ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури ижросини ўз вақтида таъминлаш;

2021 йил ҳосилидан бошлаб дон ва нон маҳсулотлари нарх-

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

“Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича “Йул харитаси”ни тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, “Ўзгидромет” маркази билан биргаликда қишлоқ ҳўжалиги соҳасига замонавий сервис хизматларини ташкил этиш мақсадида дарёлар ва республика ҳудудларида қўллаётган ва мавжуд сув ресурси, метеорологик, гидрологик ва агрометеорологик маълумотларни “on-line” режимида олиш имконини бевуҳча махсус электрон саҳифа ташкил этсин ҳамда доимий фаолиятини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига пахта толасини импорт қилиш бўйича чекловлар ўрнатилмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

10. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги “2020 йилда гўзани навлар бўйича жойлаштириш ва пахта хомашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги 985-сон қарорининг 1-банди тўртинчи хатбосиси, шунингдек, қарорга 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу қарор мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2020 йил 6 март	

Парламент ҳаёти

Ислоҳотлар жараёнида депутатларнинг фаоллиги муҳим

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўрорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари учун махсус ўқув семинарлари ўтказилмоқда.

Икки босқичда ташкил этилиши режалаштирилган ушбу семинарлар маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий билимларини янада мустаҳкамлаш, ўз фаолиятларини тўғри ташкил этиш, аҳоли билан самарали мулоқот олиб бориш борасидаги кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Депутатлар эътиборига тақдим этилаётган ўқув дастурида давлатимиз раҳбарининг парламентга Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифалар, жойлардаги маҳаллий вакиллик органлари, уларнинг доимий комиссиялари ҳамда депутатлари фаолиятини самарали ташкил этиш, сайловчилар ва ОАВ билан ишлаш, қонунлар ижросини таъминлаш ҳамда уларни тартиб қилиш каби мавзуларда машғултар ўтказиш кўнади тутилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi давлат бошқаруви академиясида ташкил этилган ўқув семинари Мурожаатномада қайд этилган устувор вазифаларни амалга оширишда вакиллик органларининг ўрнига бағишланди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Нарбаева ўз кириш сўзида Мурожаатномадаги “Жамият — ислохотлар ташаббускори” деган янги гоя кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бораётганини ҳамда олиб борилаётган ислохотларнинг амалий натижадорлигини юксалтириш, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда депутатларнинг янада фаол, ташаббускор бўлишга эришиш муҳимлигини таъкидлади.

ОНАЛАР ДУОСИДАН ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО, ИШИМИЗДА УНУМ, ҲАЁТИМИЗДА БАРАКА БОР

Нодира УМАРОВА, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қошидаги «Ишга марҳамат» мономаркази директори, «Дўстлик» ордени соҳибаси:

— Аёл, она эъзозланган юрда барака, ривожланиш бўлишини, мана, бугунги Ўзбекистон мисолида аққол кўришини мумкин. Чунки аёл, она тушунганининг маъноси жуда чуқур эканини Президентимиз ўз нутқида ҳам таъкидлаб ўтди. Айниқса, «Оналаримиз шарофати билан Ватанимиз тупроғи жаннат боғларидек гўзал ва мўътабардир. Оналар дуосидан юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ишимизда унум, ҳаётимизда барака бор» деган сўзлари барчани тўққин-лантириб юборди.

Менинг камтарона меҳнатимни юксак баҳолаган давлатимиз раҳбарига ўз миннатдорлигимни билдираман. Байрам тантанаси факултода бир кўтаринчилик, баланд руҳ билан ўтди. Юртовимизнинг гамурлигини, меҳрини ҳар лаҳза ҳис қилиб турдик. Бу ерда олган таассуротларимиз, шукӯҳ ва ҳаяжон бизни бир умрга тарқ этмаслиги, шубҳасиз. Улар келгуси ишларимизга қанот бағишлаб, бундан-да фаолроқ бўлишга ундайди. Жумладан, келгусида ҳам давлатимиз раҳбарининг ишончини оқлаб, юртимизнинг ҳар бир чекка ҳудудда, кишлоқларда аёлларнинг бандлигини таъминлаш, уларни хунарга ўргатишга қўмақлашини ўз олдига мақсад қилиб қўйдим.

Айтгул ЖОЛИМБЕТОВА, Мўйноқ туманидаги 15-умумтаълим мактаби директори, «Дўстлик» ордени соҳибаси:

— Аёлларини, оналарини бекиёс даражада эъзозлайдиган, ҳурмат-иззат кўрсатадиган, ардоқлаб, бошига кўтарадиган шундай бетакор юрда яшаётганимиз — бизнинг бахтимиз. Президентимизнинг Фармонида кўра, мукофотланган бир гуруҳ хотин-қизлар қаторида болригимдан бошим осмонга етди.

Ёш авлодга намунали таълим-тарбия бериш, уларнинг баркамол инсон бўлиб камолга етиши учун самарали меҳнат қилиш биз, ўқитувчиларнинг эзгу мақсадиридир. Ўқувчиларимизнинг фан олимпиадаларида совринли ўринларни эгаллаётгани ана шу мақсадга чин дилдан интилаётганимизни билдиради. Бунда, албатта, таълим-

тарбия ишлари даражасини ошираётганимиз, дарсини янги педагогик технология ва интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда ўтаётганимиз кўл келмоқда.

Мақтабимизда 279 ўқувчига 43 ўқитувчи таълим-тарбия беришмоқда. Ийгирига яқин фан тўғрисида, тўртта спорт секцияси фаолият юритмоқда. Уларга ўқувчиларимиз доимий қатнашади.

Мақтаб жамоасига раҳбарлик қилиш бароба-

қўрдим. Негаки, қайнонамнинг меникидан 5-6 баробар кўп адабиётлар жамланган шахсий кутубхонаси бор экан.

Аваллари уйимизга маҳалламиздан китоб сўраб келувчилар кўп бўлар эди. Қайнонам иккаламиз уларга бажонидил сўраган адабиётларини бериб турардик. Ва шу асно ният туғилдики, бу ҳам бўлса, бир замонавий кутубхона ташкил қилсак-да, ундан фойдаланишни беул қилиб қўйсак. Рости, шунча пул сарфлаб, текинга хизмат қила-

Нозима ҲАБИБУЛЛАЕВА, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети магистранти, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:

— Президентимиз қарорига кўра, ўзининг иктидори ва ибратли фаолияти билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган, турли соҳа ва тармоқларда қобилият ҳамда имкониятларини рўёбга чиқараётган,



У.А. сурати.

рида, «Қозоқдар» овул фуқаролар йиғини кенгаши аъзоси сифатида жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқароларнинг тинчлигини таъминлашга улш қўшялман. Зеро, биз Ватанга садоқатли инсонларни тарбиялашимиз керак.

Гавҳар ХУСАНОВА, Сайхунбод туманидаги «Гулбахор зиё китоби» МЧЖ раҳбари, «Шухрат» медали соҳибаси:

— Оила қурганимда сепимда 4 қоп китоб ҳам бор эди. Ушанда бу юким мени келин қилиб тушираётган хонадон эгаларига эриш туолмасми-кан, деб ўйлаганман ҳам. Йўқ, аксинча, биринчи кунданок хижолатга ҳеч ҳам ўрин йўқлигини

сизларни деганлар ҳам бўлди. Лекин қайнонамнинг энг катта бойлик, бу — маънавий бойлик, биз албатта, ана шу кутубхонани очилишимиз керак деган қатъиятлари ва рағбатлари туфайли ўтган йили орузимизга етидик.

Мана энди 10 мингга яқин босма ва 550 та электрон адабиётга эга кутубхонамиз бор. Аллақачон зиё масканимиздан фойдаланувчилар журфотики маҳалламиздан чиқиб, туман миёнасига етган. Яқинда туманимиз ҳокимининг ташаббуси билан кутубхонамизга келиб мурола қилишлари учун мактаб ўқувчиларига автобус хизмати ташкил қилинди. Шу ўринда энг кекса ўқувчимиз 84 ёшли Жумагул мома Бегимкулова эканлигини айтсам, бугун кутубхонамиз қанчалар гавжум ва аҳоли учун ардоқли маскан эканлигини тасаввур қилишиниз мумкин. Утган йили шу хизматимиз туфайли бир хонадон аъзолари вилоятда ўтказилган «Энг яхши китобхона оила» танловида голиб бўлиб, «Спарк» автомоби билан тақдирланди.

Узим ҳаётда нимагаки эришганм, китоб туфайли деб биланман. Улардан энг улғи кунни кеча камтарона меҳнатимнинг давлатимизнинг юксак мукофотига муносиб қўрилгани ва Президентимиз томонидан эътироф этилгани бўлди. Қалбимдан ўтказдимки, юртимизда эзгу иш ҳеч қачон ўз баҳосини топмай қолмайди. Ҳали Тошкентда, байрам тадбирида эканлигимдаёқ қайнонамга телефон қилдим ва бу даражага етишимиз, аввало, у кишининг меҳнати бекиёс эканлигини айтиб, миннатдорлик билдирдим. Ойимнинг бундан бошлари осмонга етди.

Саида БЕКНАЗАРОВА, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети профессори, «Шухрат» медали соҳибаси:

— Юртбошимиз зиёли аёлларнинг оила ва жамиятга маънавий соғлом муҳит қарор топиши, ёш авлоднинг баркамол инсонлар бўлиб воғая етишида ҳамда аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар тарғиботидаги алоҳида ўрни борлигини доим таъкидлайди. Бу эътибор илм-фан соҳасида изланаётган хотин-қизларга кўч-ғайрат бағишлайди.

Илмий йўналишим айна ахборот технологияси соҳасида бўлиб, мультимедиа тизимларини лойиҳалаш, аудио-видеоларни қайта ишлаш ва тахрирлашга бағишланган. Бундан ташқари, Ёш олимлар кенгаши қошида Ёш дастурчи аёллар клуби ташкил этилган бўлиб, унда биз талаба қизлар билан соҳага оид турли мазмуларда илмий тадқиқотлар олиб борамиз.

Мамакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнида фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда таълим-тарбия ва илмий тадқиқот йўналишларида шуғулланаётган аёллар фаолияти ва улар эришаётган муваффақиятлар муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбарининг Фармони билан мукофотланган хотин-қизлар орасида мен ҳам борлигимдан жуда хурсандман. Бу мени жамият ҳаётида янада фаол иштирок этишга ундайди.



ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА КАМАРБАСТА БЎЛИШИМИЗ КЕРАК

Ҳар бир миллатнинг маданияти унинг аёлларга бўлган муносабати билан ҳам белгиланади. Доншиманларимизнинг ушбу фикрлари бежиз айтилмаган. Чунки хотин-қизлар, оналар, она-сингиллар эъзозланган юрда тараққиёт бўлади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш масалалари устуворлик касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқини катта ҳаяжон билан тингладик. Унда таъкидланганидек, бугунги кунда кенг кўламли демократик ислохотларимиз натижасида аёлларимизнинг сиёсий-ижтимоий жараёнлардаги иштироки йилдан-йилга ортиб борапти. Буни 2019 йил декабрь ойида мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар яна бир бор тасдиқлади.

Бундан ташқари, айни эътибор билан, давлатимиз раҳбарининг катта эътибори, ишончи деб биланман.

Бу ҳаётимизда энг катта, қўлланган қўвончи ҳодиса бўлди. Бу мен учун катта масъулият ҳамдир. Чунки ҳали олдимизда қиладиган ишларимиз жуда кўп. Шундан келиб чиқиб, йилдан-йилга айтманки, Илм, маърифат ва раҳамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлида ушбу юксак лавозимга киришар эканман, Каттақўрғон шаҳрининг гуллаб-яшнаши, муҳим, халқимизни рози қилиш учун бор билим ва тажрибамни, бутун салоҳиятимни ишга соламан.

Шаҳримиз халқини, хотин-қизларини, айниқса, ёш авлоднинг қобилиятини рўёбга чиқариш, келажакимизнинг бахту иқболи бўлган қизларимизни энг гўзал фаизлатлар, билим ҳамда одоб соҳибалари этиб тарбиялаш, йилдан-йилдан соғлом, баркамол, Ватанга содиқ инсонлар этиб воғая етказиш учун

пайтда давлат ҳамда жамоат ташкилотлари тизимида 1 380 нафардан зиёд хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатаётгани ҳам ислохотларимиз самараси, аёлларга билдирилган юксак ишонч ифодаси, албатта.

Дилбар аёлларимизнинг ушбу байрами арафасида давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида хизмат қилаётган мингдан зиёд хотин-қизлар орасидан менин Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳрига ҳоким

астойдил меҳнат қиламан. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги эзгу ишлари ва фидокорона қарорларига ҳар бири-миз камрабаста бўлиб, виждонан, масъулият билан меҳнат қилишимиз керак.

Гавҳар АЛИМОВА, Каттақўрғон шаҳар ҳокими вафасини бажарувчи, Олий Мажлис Сенати аъзоси.



пайтда давлат ҳамда жамоат ташкилотлари тизимида 1 380 нафардан зиёд хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатаётгани ҳам ислохотларимиз самараси, аёлларга билдирилган юксак ишонч ифодаси, албатта.

Дилбар аёлларимизнинг ушбу байрами арафасида давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида хизмат қилаётган мингдан зиёд хотин-қизлар орасидан менин Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳрига ҳоким

астойдил меҳнат қиламан. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги эзгу ишлари ва фидокорона қарорларига ҳар бири-миз камрабаста бўлиб, виждонан, масъулият билан меҳнат қилишимиз керак.

Гавҳар АЛИМОВА, Каттақўрғон шаҳар ҳокими вафасини бажарувчи, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

пайтда давлат ҳамда жамоат ташкилотлари тизимида 1 380 нафардан зиёд хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатаётгани ҳам ислохотларимиз самараси, аёлларга билдирилган юксак ишонч ифодаси, албатта.

Дилбар аёлларимизнинг ушбу байрами арафасида давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида хизмат қилаётган мингдан зиёд хотин-қизлар орасидан менин Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳрига ҳоким

астойдил меҳнат қиламан. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги эзгу ишлари ва фидокорона қарорларига ҳар бири-миз камрабаста бўлиб, виждонан, масъулият билан меҳнат қилишимиз керак.

Зулайхо АКРАМОВА, Олий Мажлис палатаси депутаты, «Дўстлик» ордени соҳибаси.

БИЛИМЛИ ВА ЗУККО АЁЛ — ЖАМИЯТ КЎРКИ

Мамлакатимизда Халқаро хотин-қизлар кунини кенг нишонланди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу айбига бағишланган тантанали маросимдаги нутқини катта ҳаяжон билан тингладик.

Унда меҳрибон оналаримиз, дилбар она-сингилларимизга чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилди, латофати ва оқиллиги, садоқати ва матонатли мадҳ этилди. Бу бежиз эмас. Чунки ҳаётимиз фалсафаси, маъно-мазмуни ва ўзгаллиги, энг аввало, барчамизни дунёга келтирган Она сиймосида, аёл тинимсолида намоён бўлади. Яшариш ҳамда янгилиниш фаслининг аёллар билан уйғунлиги ҳам ана шунда.

Шу маънода айтганда, охириги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, сиёсий фаолигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини оқсатириш, турмуш даражасини яхшилаш, оғирини енгил қилиш, оила ҳамда жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди.

Бугун ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар самарасини аёлларимизнинг ҳар жабҳада иштироки тобора кўнайиб бораётгани мисолида кўриш мумкин. Бунинг юртимизда аёл раҳбарлар — вазирлар, ҳокимлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, банк ва компаниялар раислари, ҳуқуқ-тартибот идораларида, Қуролли Кучларимиз таркибида масъул вазифаларда хизмат қилаётган она-сингилларимиз сони тобора ортиб



бораётгани ҳам тасдиқлайди. Чунки, ҳозирги вақтда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 380 нафардан зиёд хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилаётгани эътиборга молик.

Давлатимиз раҳбари нутқида мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш устувор вазифа этиб белгилангани ва бу йўналишда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани алоҳида қайд этилди. Катъий белгилана қўйилганидек, камбағалликни қисқартириш учун биринчи навбатда, ишисизликни қамайтириш керак. Аввало, аҳолини замонавий касб-хунарларга ўқитиш, уларнинг иқтисодий ва молиявий совадхонлигини ошириш, одамларда, айниқса, аёлларимизда тадбиркорликка иштиқни йўғйтиш зарур.

Бу жуда муҳим вазифа. Чунки аёл, аввало, она. У ўз оиласи фаровон, фарзандлари ҳеч қандам кам бўлмай воғая етишини хоҳлайди. Шу боли она-сингилларимизнинг тадбиркор-

лик фаолиятларини қўллаб-қувватлаш баробарида, ўсиб келаётган ёш қизларимизни касб-хунарга ўқитишимиз мақсадга мувофиқ. Сабаби эртага ҳам оила бекаси, ҳам жамиятнинг фаол аъзоси бўладиган аёлнинг билимли, зуқко бўлиши ҳаётий заруратдир.

Байрам арафасида Президентимизнинг бир гуруҳ хотин-қизларни мукофотлаш тўғрисидаги Фармони билан камтарона меҳнатимиз эътиборга олинганидан бошим кўкка етди. Албатта, бундай гамхўрлик бизни янада фаол ишлашга рағбатлантиради. Ёшларни, айниқса, келажакимизнинг бахту иқболи бўлган қизларимизни энг гўзал фаизлатлар, билим ва одоб соҳибалари этиб тарбиялашда бор имкониятимиз, тажрибамизни ишга солашимиз.

Дилбар АСЛАНОВА, Самарқанд иқтисодий ва сервис институтининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, иқтисодий фанлари доктори, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси.

МЕҲРИБОНЛИГИ ВА МЕҲНАТСЕВАРЛИГИ БИЛАН БАРЧАГА ЎРНАК

Бугунги кунда ўзбек хотин-қизлари ҳар жабҳада фаол, юртимиз ривожини, халқ фаровонлигига ҳисса қўиши йўлида сиққидилдан меҳнат қилиб келмоқда. Уларнинг нафосати, латофати, метин иродаси, сабр-бардоши, фидойилиги қаршида ҳар қанча таъзим қилсак, шунча кам. Ҳудудларда ўтказилган байрам тадбирларида ана шу жиҳатлар алоҳида эътироф этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб «Жаҳон гулжойи ўзингсан, аёл!» деб номланган тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси Раиси Муса Ерняязов иштирок этиб, йилгиланларни баҳор ва нафосат байрами билан кутди.

Айбм арафасида давлат ҳамда жамият ҳаётида фаол қатнашаётган, ўзининг самарали хизматлари билан оилани шакллантириш, фаровон турмушни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ хотин-қизлар «Мўътабар аёл», шунингдек, «Ардоқли нурунин», «Ватан фидойисин», «Умид учунки» кўкрак нишонлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган эди. Тадбирда ушбу мукофотлар эгаларига тантанали равишда топширилди.

Кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан Оролбўйида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда, — дейди Бўзатов тумани ўрмон ҳўжалиғи ишчисини, «Шухрат» медали ва «Мўътабар аёл» кўкрак нишонини соҳибаси Тамара Карамова. — Хусусан, чорвачиликка иқтисослаштирилган Бўзатов тумани қайта ташкил этил-

қизларимиз ўзининг билим ва тажрибаси, етакчилик ҳамда ташаббускорлик салоҳияти билан жамиятимизнинг юқори мақеаларини эгаллаб келаётгани, ҳаётимизда тобора катта ўрин олаётган фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқлар, илм-фан, тиб-биёт, таълим-тарбия, маданият ҳамда санъат каби муҳим соҳаларда хотин-қизлар фаолиги ошиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Айниқса, республикамизда парламентда фарғоналик аёлларнинг сон ва салмоғи юқори эканлиги фахр билан тилга олинди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда хотин-қизларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, фидокорона ва самарали меҳнатини рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган «Мўътабар аёл» кўкрак нишонини бу йил ҳам ўзининг муносиб соҳибаларини топди. Ушбу юксак эътирофга сазовор бўлган Лариса Денисова, Зебихон Рустамова, Мавжуда Хурсанова, Юлдаухон Олимова, Ерқиной Эргашева, Мастураҳон Зияева сингари 21 нафар фарғоналик аёлга ушбу кўкрак нишонини тантанали топширилди.

— Жуда хурсандим, — дейди Фарғона давлат университети тупроқ-шунослик кафедраси профессори Саноятхон Зокирова. — Хотин-қизларнинг илм-фан ривожини йўлидаги изланишларини қадрлаётган Юртбошимизга раҳмат.

Вилоят ҳокимлиги томонидан барча туман ва шаҳарларда энг илғор, намунали, ташаббускор ҳамда тадбиркор хотин-қизлар, фаол ва ибратли оилаларни аниқлаш мақсадида ташкил этилган кўрик-танловнинг 15 та

номинацияси бўйича голиблар номи айтилиб, уларга вилоят ҳокимлигининг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

— Оилада ўз ўғлини ел қорига етайдиган инсонлар этиб камолга етказдик, — дейди танловнинг «Энг намунали шифокорлар оиласи» номинацияси голиби, Езёвон тумани тиббиёт биришмаси шифокори, олий тоифали акушер-гинеколог Мавлуда Файзуллоева. — Турмуш ўрғоним ҳам шифокор-анестезиолог. Узаро меҳр-оқибат, илмга ҳурмат, элга хизмат, давлат ва юрт ишига сиққидилдан бел боғлаш — оиламизнинг қулғуси широри. Бугунги рағбат эса бизни янада фидойий бўлишга ундайди.

Санъат усталари, хонанда ва ёш ижрочилар иштирокидаги бадий-музиқий дастур нафосат байрами шуқуҳига ҳуқуқ қўшди.

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги «Наврўз» тантанали мажмуасида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган тадбир ҳам кўтарилиб ўтказилди. Унда вилоятнинг барча ҳудуди ва чекка кишлоқларидан мўътабар онахонлар, ҳам таъминланган оилалар бекалари, ўзининг фидойий меҳнати билан намуна кўрсатаётган турли соҳа ходимларидан иборат юзлаб хотин-қизлар қатнашди.


Тантананда Сирдарё вилояти ҳокими Ғофуржон Мирзаев йилгиланларни байрам билан табриқлади. Турли соҳаларда чинакам намуна кўрсатган хотин-қизларга «Мўътабар аёл» кўкрак нишонини топширилди. Иштирокчиларга гуллар ва совғалар тақдим қилинди.

Мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида ҳам Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган байрам тадбирлари ўзгача қувонч ва шоду хуррамлик билан нишонланди.

«Халқ сўзи».

«Халқ сўзи».

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги олдида



«ЎЗБЕК ХАЛҚИ КЎРСАТГАН БАҒРИКЕНГЛИК УЧУН ТАЪЗИМ ҚИЛАМАН»

Россия Федерацияси халқ артисти, кино, театр, дубляж актёри, телебошловчи Юрий Стоянов оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларида онаси билан боғлиқ хотираларни ёдга оларкан, ҳар сафар ўзбек халқининг бағрикенглигини эътироф этиб, халқимиздан чексиз миннатдорлигини изҳор қилади. Нимага дейсизми?

Гап шундаки, Иккинчи жаҳон уруши йилларида унинг онаси ҳали жуда ёш пайтда оиласи билан Сталинград шаҳридан Тошкентга кўчириб келирилди. Бироқ йўлда эшелон портлатилиши оқибатида кекса кампир ҳамда унинг икки набираси (бири унинг онаси)дан иборат оила ҳар ёққа тарқалиб кетади. Тўғри, улар кейинчалик бир-бирла-

рини излаб топишади. Бироқ бунгача уларнинг ҳар бирини ўзбек оилалари ўз паноҳига олади. Актёрнинг онаси эса етти нафар фарзанди бор ўқитувчи оиласи томонидан асраб олинади. — 1943 йилда онам мактабга боришига тўғри келганида хонадон соҳиблари уйдаги стол устига тўшалган ягона дастурхондан

унга сумка, пардадан эса мактаб формаси тикиб беришган экан, — дейди Юрий Стоянов. — Онаминг айтиб беришича, у Тошкентнинг хунармандлар маҳалласидаги 90-мактабда ўқиган. Тошкентда ҳали ҳам шу мактаб борми-йўқми, билмайман. Хонадон соҳиблари уйдаги ягона каравотни онамга бериб, ўзлари эса ерда ётишган. Бу улкан, қадимий, доно, буюк халқ. Айни пайтда жуда-жуда камтар. Ўзбеклар кўлини кўксига қўйиб саломлашса, ажабланманг, бу расмийчилик учун қилинадиган мулозимат эмас. Бу сизга бўлган чин ҳурмат белгисидир. Мен онамга кўрсатилган ғамхўрлик учун ўзбек халқидан

чексиз миннатдорман. Бугун мен ҳам мана шу халққа улардек таъзим қиламан. Агар улар менинг онамни асраб олишганида, мен бу ёруғ дунёга келмаслигим ҳам мумкин эди. Айнан улар туфайли онам шифокорлик уруш тўфонларидан омон қолди, оч қолмади, ўқиди, биз учун мана шундай келажакни яратиб берди.

Дарҳақиқат, актёрнинг онаси уруш йилларида ўзбек оиласи томонидан кўрсатилган ана шундай бағрикенглик туфайли омон қолди. Евгения Стоянова исмли бу аёл кейинчалик украин тили ва адабиётдан дарс берган, мактаб, педагогика коллежи директори лавозимларида фаолият юретибди. Отаси Николай Стоянов эса гинеколог-шифокор бўлиб ишлаган. Бу оила узоқ йиллар бахтли-саодатли умр кечиришди. Мазкур оилада дунёга келган Юрий Стоянов эл ардоғидаги машҳур санъаткор бўлиб етишди.

Иккинчи жаҳон урушида ўзбек халқи кўрсатган буюк жасорати, бағрикенглик билан боғлиқ бундай ҳаётий мисоллар жуда кўп. Вақт ўтиб боргани сари бу яхшиликларнинг қадри ошиб бормоқда. Улар томонидан қилинган эзгулик, инсонийлик авлоддан-авлодга, тиллардан-тилларга кўчиб борапти. Тери, инсондан фақат яхшилик қолади.

«Халқ сўзи».

КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ ҲИМОЯ ЧОРАЛАРИ МУСТАҲКАМ



Дунё бўйлаб кенг тарқалаётган коронавирус (COVID — 19) хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг асосий мавзуси бўлиб турибди. Бу юқумли вирус даставвал Хитой Халқ Республикасининг Хубэй провинциясининг Ухань шаҳрида аниқланган. Айни кунларда Хитой, Жанубий Корея, Эрон ва Италия каби қатор давлатларда касаллик кенг тарқалаётгани кузатишмоқда.

Мамлакатимизда аҳоли ўртасида коронавирус инфекцияси бўйича эпидемиологик барқарорлиқни таъминлашга йўналтирилган барча профилактика ва эпидемиология қарши назорат тадбирлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан халқроқ тиббий санитария талаблари асосида амалга оширилмоқда. Бу борада

Президентимизнинг 2020 йил 29 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши муҳим асос бўлмоқда.

Баҳром АЛМАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги директори:

— Бугунги кунда мамлакатимизга юқумли касалликлар, жумладан, COVID — 19 инфекцияси кириб келишининг олдини олиш мақсадида давлат чегараларида 53 та санитария-карантин пункти халқроқ талаб ва мезонлар асосида фаолият кўрсатаяпти. Бугунги кунда ушбу пунктларда бошқа тармок ҳодимлари қаторида 250 нафардан зиёд ҳокори малакали санитария-эпидемиология хизмати масъуллари белгиланган стандартлар бўйича иш олиб бормоқда.

Юртимизда коронавирусни аниқлаш бўйича замонавий тест-тизимлари, шунингдек, тиббиёт ҳодимлари учун шахсий ҳимоя воситалари, тиббий техника ва тиббий воситалар захираси яратилмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги хузурида 24 соат давомида узлуксиз фаолият кўрсатувчи штаб ташкил қилинган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Ботир ТАДЖИЕВ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тектириш институти директори:

— Мамлакатимизга бу касаллик хавф солмаётган бўлса-да, ҳушёр бўлиш, тозаллик риоя этиш зарар қилмайди. Аввало, шамоллаш ёки грип аломатлари кузатишган одамлар билан яқин алоқада бўлишдан тийилиш керак. Йўталганда, бурун қоққанда ва аксирганда оғиз ҳамда бурунни беркитиш тавсия этилади. Касалликнинг илк аломатлари кузатишганда, уйда қолинг ва дархол шифокорга мурожаат қилинг. Бордию йўтал, нафас олишда қийналиш каби респиратор инфекция аломатлари кузатилса, шунингдек, тиббиёт ҳодими сифатида инфекция аломат-

ларига эга беморга қараётган бўлсангизгина тиббий никоҳни тақиб юришингиз мумкин. Респиратор инфекцияси аломатлари мавжуд бўлмаган барча ҳолатда ҳимоя никоҳларини тақиб юришига зарурат йўқ. Аввало, овқат тайёрлаётганда, хом гўшт ва тайёр овқатни кесиш учун алоҳида чопиш тахталари ҳамда пичоқлардан фойдаланиш зарур. Гўшт ва сут маҳсулотларини ушлагандан кейин қўлларни яхшилаб ювиш муҳим. Гўшт маҳсулотларини яхшилаб пишириш лозим. Хом ёки чала қайнатилган гўшт маҳсулотларини истеъмол қилишдан сақланиш

Шаҳзода ҒАҒҒОРОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

АҚШлик экспертлар: Афғон можаросини тартибга солиш жараёнида Ўзбекистон ҳаммиша муҳим иштирокчи бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади

Жон ХЁРБСТ, Атлантика кенгашининг Евроосиё маркази директори:

— Мазкур битим Афғонистон келажакни белгилашда долзарбдир. АҚШ Президенти Афғонистон ҳудудидан ўз қўшинларининг ярамни қатъий тарзда олиб чиқмоқчи. Бу эса «Толибон» ҳаракатиغا Ашраф Фани ҳукумати билан музокараларни бошлаши учун яхши мотивация бўлиб хизмат қилади. Келишув «Толибон» ўзини яхши тутишига туртки беради. Бинобарин, ушбу

босқичда уларнинг олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳаракатлари даражасини қисқартириш жуда муҳим ва зарурдир.

Афғон можаросини тартибга солиш жараёнида Ўзбекистон ҳаммиша муҳим иштирокчи бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади, у Шимолий тақсимот тармоғининг ажралмас қисмидир. Ўз навбатида, кўллаб этник ўзбеклар



ҳам истиқомат қиладиган Афғонистон билан яхши савдо-иқтисодий муносабатларни кўллаб-қувватлаб келяпти.

Бриан ТОДД, АҚШ Миллий мудофаа университети Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё стратегик тадқиқотлар маркази профессори:

— Тинчлик битими узоқ кутилган ҳужжат бўлиб, афғон можаросини ҳарбий йўл билан ҳал этиш мумкин эмаслигини тасдиқлайди. Мазкур келишувни кўп йиллик урушни бартараф этиш бўйича дипломатик музокараларнинг ибтидоси деб ҳисоблаш мумкин. Бу АҚШ контингенти кўрсатиши, ҳукумат ва «Толибон» ҳаракати ўртасидаги музока-

ларни бошлашга олиб келиши керак. Ўзбекистон кўллаб мамлакатлар қатори Афғонистон Ислом Республикасидаги тинчлик жараёнларини доим кўллаб-қувватлаб келмоқда. Расмий Тошкент ўзида Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқроқ конференцияни ўтказди. Ўзбекистон ва Афғонистон раҳбарияти тинчликни ўрнатиш бўйича



саъй-ҳаракатларни биргаликда сафарбар этишга тайёр эканликларини бутун дунёга намоён қилишди. «Халқ сўзи».

Advertisement for Agroworld Uzbekistan celebrating its 15th anniversary. It features a tractor in a field and text: «15 йил 15-юбилей халқроқ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ кўргазмасига ташриф буюринг». The event is scheduled for 11-12-13 March at the MKM exhibition center. Contact info: 71 205 18 18, website www.agroworld.uz.

Advertisement for «C and H Industry» MCHJ XK, a Volvo Construction Equipment and SDLG dealer. It lists various types of excavators and front loaders. Text: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва куйидаги махсус қурилиш техникаларини тақлиф қилади: гилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача), занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача)». Contact info: 90-123-77-77, 71-252-50-03.

Advertisement for «Халқ сўзи» Народное слово newspaper. It lists the head editor, subscription rates, and contact information. Text: «Халқ сўзи Народное слово». Head editor: Уткир Раҳматов. Subscription rates: 100000 for Tashkent, 71-232-10-63 for other cities. Website: www.xs.uz.